

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 338.436.33(575.152) 334.722(575.152)

ҚУРБОНОВ АЛИШЕР БОБОҚУЛОВИЧ

**АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
(Қашқадарё вилояти мисолида)**

08.00.04 – «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти»

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2010

Диссертация иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Зайнутдинов Шавкат Нуритдинович

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Қодиров Абдурашид Мажидович

иқтисод фанлари номзоди
Султанов Баҳодир Файзуллаевич

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва
сув хўжалиги вазирлиги**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил « ____ » _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Х.Орипов кўчаси, 16.

Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил « ____ » _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби и.ф.н.**

Ф.И.Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва уни самарали ташкил этишни таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов кичик бизнеснинг келажакдаги салоҳияти тўғрисида тўхталиб: «...муҳим устувор вазифалардан бири кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборат»¹ деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланишига қаратилган чора-тадбирлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизми яратилган бўлиб, хусусий секторни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш жараёни давом этмоқда. Мамлакатимизда 2003-2008 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 1,9 баробар ошиб, 2008 йили қарийб 400 мингтани ташкил этди. Тадбиркорликда иш билан банд бўлганларнинг 76 фоизи меҳнат қилмоқда. 2008 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 48,2 фоизи кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Фақат 2008 йилнинг ўзидаёқ тадбиркорликни ривожлантириш асосида 671 мингга яқин янги иш жойлари шакллантирилди. Кичик тадбиркорликнинг истиқболли ривожлантириш дастурига кўра 2010 йил мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида кичик тадбиркорликнинг улушини 52,5 фоизга етказиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа сифатида «... иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди»².

Мамлакатимизда кичик тадбиркорликни агросаноат мажмуи тармоқларида ривожлантириш алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Агросаноат мажмуида иккиламчи ишлаб чиқариш ёки маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиш давлат иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга агросаноат мажмуи, ундаги кичик тадбиркорликни ривожлантириш масалаларини кучайтиришнинг илмий-назарий жиҳатдан асосланиши ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотдаги агросаноат мажмуи улуши деярли 45 фоизни ташкил этади. Аграр соҳадаги кичик тадбиркорликни салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида агросаноат маҳсулотлари экспорт ҳажмини ошириб бориш муҳимдир.

¹ . Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: -Ўзбекистон. 2009. 416бет

² . Каримов И.А. “Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти фаровонлигини янада юксалтиришдир” халқ сўзи 30.01.2010

Агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ жойларда ёшларни иш билан таъминлаш, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишларни амалга оширишнинг объектив зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорликнинг ривожланиши назарий жиҳатлари хорижий иқтисодчи олимлар К.Бадо, М.Булауг, Д.Бусыгин, М.Вебер, И.Н.Герчикова, П.Друкер, Р.Кантильон, Б.Карлоф Дж.М.Кейнс, Д.Макелланд, А.Маршалл, Г.Пиншо, Д.Рикардо, Ф.Русинов Савченко В, А.Смит,, Ф.Уокер, А.Шалеро, Й.Шумпетерларнинг илмий ишларида кенг тадқиқ этилган³.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари А.Ваҳобов, А.Пардаев, Ш.Зайнутдинов, Қ.Муфтайдинов, А.Маматов, Н.Тўхлиев, А.Улмасов, Т.Фармонов, А.Хуррамов, Ш.Эргашходжаевалар, О.Орипов, Қ.Тоирбеков, Н.Қосимовалар томонидан ўрганилган⁴.

Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий ишларида иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр соҳадаги кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари комплекс тадқиқ этилмаган. Агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни ривожлантириш муаммосининг илмий-амалий аҳамиятга эга эканлиги мавзунинг долзарблигидан далолат беради ва мавзу сифатида танлашга асос бўлади.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни барқарор ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

³ Булауг. М Экономическая мысль в пересективе Пер.сангл. 4-е изд.-М.: Дело ЛТД,1994.- 424 с; Савченко В . Феномены предпринимательства//Рос.экон. журнал. —м: 1995.-№ 9- 46 с; Маршалл А. Принципы экономической науки. Пер.с англ. —М:1993-377с; Шумпетер.Й.Теория экономической развития. Пер.англ.-М.:1992.-169-170с; Вебер.М. Протестанская этика и дух капитализма.М.:1990.-85 с.; Друкер П.: Рынок: Как выйти в лидеры. Практика и принципы.-М:2005.-191с; Карлоф.Б. Деловая стратегия: концепция, содержание, символ. Пер.с англ.М.:1992.-176 с; Санто Б.Философия предпринимательства. Проблемы теории, практики управления. М.:1999.-№3-101с.; Бусыгин Д.В Предпринимательство:начальный курс М.: 1992.7 с; Русинов.Ф.М.Возражения предпринимательство в России. М:1999-28 с.

4 Қодиров А. Экономическая теория.- ТГТУ,1999.87с; Зайнутдинов Ш.Тураев Ж. Таваккалчиликни бошқариш.-Т.: 2005 6.б; Улмасов.А. Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. —Т.: 2006. 141-144 б; Муфтайдинов.Қ.Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари.,и.ф.д. илмий даражасини олиш тақдим этилган диссертация автореферати.-Т.:2004.-10 б; Орипов О..Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.-Т.:2006-15 б; Қосимова Н.Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ташкил этиш масалалари.-т.: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.-Т.:2007.-13 б; Тоирбеков Қ. Кичик бизнес корхонлари фаолияти барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.-Т.:2006.-18 б; Тухлиев Н. Ўлмасов А.Ишбилармонлар луғати.-Т:1993.-14 б; Хуррамов А.Ф., Маматов А.А. Қишлоқ хўжалигида мулкрий муносабатлар ва уларни ривожлантириш йўналишлари.-Т.:2008.59 б; Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агросаноат мажмуни бошқариш тизимини такомиллаштириш. Ўзбекистонда аграр иқтисодий ислохотлар:эришилган ютуқлар ва уларнинг ечимлари.Т.:2006.-39 б; Эргашходжаева Ш.Д. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларда кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.:2007.-17 б; Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Т.: 2002-24 -32 б.

Тадқиқот вазифалари:

- Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликнинг иқтисодий моҳияти очиш ва агросаноат мажмуасидаги урнини аниқлаш;
- агросаноат мажмуаси тизимида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг хусусиятлари ва ривожлантириш босқичларини аниқлаш;
- агросаноат мажмуининг барқарор ривожланишида кичик тадбиркорликнинг ўрнини асослаш;
- агросаноат мажмуи тармоқларида кичик тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш ва уни самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилояти агросаноат мажмуи тармоқларида кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети: Агросаноат мажмуи тармоқларида кичик тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида содир бўладиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотни ўтказишда статистик, эмпирик, вазиятчи ва тизимчи таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш, математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни ривожлантиришга оид таклиф этилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар агросаноат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш стратегиясини танлаш, маҳаллий хом ашё, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиб, янги юқори технологияларни қўллашни тезлаштириш асосида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиш ҳамда янги иш жойларини яратиш имконини беради.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

– 2010-2011 йилларда кичик тадбиркорлик субъектлар сони 2004 йилга нисбатан 1,5-1,6 фозга ошиши агросаноат мажмуида тадбиркорликка мойиллик даражаси 1,5 баробарга ошганлиги аниқланди.

– агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун меҳнат ресурсларини икки тоифада малакасини ошириш йўналишлари аниқланди;

– агросаноат мажмуида кичик тадбиркорлик субъектларининг биргаликда ҳаракат қилиш механизми аниқланди;

– агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликнинг фойда гуруҳлари бўйича кичик(10 миллион сўмгача), ўрта(20,1-30 миллион сўмгача), йирик (30 миллион сўмгача) гуруҳлари ажратилиб, уларнинг ривожланиш йўналишлари аниқланди;

– агросаноат мажмуи тармоқлари ва корхоналари самарадорлигини ошириш омиллари аниқланди ва гуруҳланди.

Илмий янгилиги:

- 2010-2011 йиллардаги кичик тадбиркорликнинг ривожланиш истиқболлари ва агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликка мойиллик даражаси ҳисобланди;
- агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий воситалари таҳлил этилган ва кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- агросаноат мажмуи инфратузилмасида кичик тадбиркорлик субъектлари кооперациясини ташкил этиш механизми тавсия этилди;
- агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликнинг ривожланиш истиқболлари, самарадорликни баҳолаш усуллари ва ошириш йўллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Республика ва вилоят савдо-саноат палатаси, Қашқадарё вилояти ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда замонавий бошқарув усуллари жорий этиш, самарали бошқарув андозаларига боғлиқ чора-тадбирларини ва кичик тадбиркорлик ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шу билан биргаликда, тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида “Агросаноат мажмуи иқтисодиёти”, “Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти”, ” «Бизнес ва табиркорлик» , «Кичик бизнесни бошқариш» махсус курслари ўқув элементларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари асосида тайёрланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (№09/13-158. 13.03.2009 й. далолатнома), Қашқадарё вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси (№ 09-14-128. 14.02.09й. далолатнома) ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти (23.01.09 й. маълумотнома) тонадан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарларда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари “Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар муаммолари” (Қарши,2002), “Янги иқтисодий тизим шароитида халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари” (Қарши,2003), “Семнадцатые международные плехановские чтения” (Москва,2004), “Социально экономические проблемы переходной экономике” (Санкт-Петербург,2005), “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотларида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш масалалари” (Тошкент,2005), “Аграр соҳада иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишлари” (Тошкент, 2006), “Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари”

(Тошент,2007) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишларининг асосий ғояси, унда илгари сурилаган илмий фикр ва мулоҳазалар юзасидан 7 та мақола ва 10 та тезис кўринишида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 143 бетни ташкил қилиб, 22 та жадвал ва 8 та расмдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодий эркинлаштириш босқичида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни яратилганлиги туфайли 2003-2008 йилларда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар ошиб, иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек,- “...кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.”⁵ Шу нуқтаи назардан кичик бизнесни ривожлантириш учун солиқ ва кредит имтиёзларини муддатини узайтириш, қулай бизнес муҳитини яратиш ва бошқаришни такомиллаштириш жараёнларини давом эттириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу эса, авваламбор, тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос хусусияларини назарий ва амалий жиҳатдан асослашни тақозо этади. Тадбиркорлик фойда олиш мақсадида инновация ва таваккалчиликка асосланган ҳолда ресурсларни бирлаштириш ва ҳаракатга келтириш, бошқариш жараёнини ўз ичига олган ишлаб чиқариш, ҳизмат кўрсатиш фаолиятidir. Агросаноат мажмуида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор иқтисодиётига хос турли мулкчилик шакллари асосланган тадбиркорлик субъектлари шаклланди. Айрим мулк субъектлари хусусийлаштирилиб, хусусий–якка, хусусий-коорпоратив тадбиркорлик шаклларига айланиб борди (1- расм). Ҳизмат кўрсатиш соҳасидаги маданий –маиший, савдо объектлар хусусийлаштирилиб,хусусий тадбиркорлик субъектлари сифатида фаолият олиб борди, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари МТП, ММТП, ўғит билан таъминлаш, уруғлик билан таъминлаш, ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлаш корхоналари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми технологик жиҳатидан йирик бўлганлиги туфайли ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Мазкур соҳада фақат мева-сабзавот

⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон. 2009 й. 46 б.

маҳсулотларини қайта ишловчи кичик тадбиркорлик субъектлари шаклланди. Агросаноат мажмуида тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда хусусий иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради. Биринчидан, ишлаб чиқариш муносабатлари марказида ер асосий ресурс сифатида қатнашади. Иккинчидан, агросаноат мажмуи корхоналарининг фаолияти кишлок хўжалигининг мавсумийлиги ва табиий иқлим шароитларига боғлиқ. Учинчидан, тармоқ таркибидаги тадбиркорлик субъектлари бир бирига боғлиқ ҳолда ривожланади.

Тадбиркорлик шакллари	Тадбиркорлик соҳалари	Тадбиркорлик субъектлари	Мулкчилик шакллари
Хусусий-якка	Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	о Фемер хўжаликлари о Дехкон хўжаликлари	Хусусий мулк
	Хизмат кўрсатиш	о Маданий – маиший хизмат кўрсатиш кичик корхоналари о Савдо корхоналари о Пуллик хизмат кўрсатиш шахобчалари	Хусусий мулк
	Қайта ишлаш	о Мева – сабзавотларни қайта ишловчи кичик корхоналар о Якка тартибда донни қайта ишловчи кичик корхоналар	Хусусий мулк
Хусусий кооператив	Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	• Жамоа(Ширкат) хўжаликлари • Агрофирмалар	Жамоа мулки
	Хизмат кўрсатиш	• Ёқилги мойлаш материаллари билан таъминлаш корхоналари • Машина трактор парклари(МТП),Мукобил машина трактор парклари(ММТП) • Уруғлик билан таъминловчи корхоналар • Ўғит билан таъминловчи корхоналар • Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси	Жамоа мулки
	Қайта ишлаш	• Дон қайта ишловчи корхоналар • Пахта тозалаш заводлари • Мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналар • Агрофирмалар	Жамоа мулки

1 – расм. Агросаноат мажмуида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг мулкчилик шакллари

Агросаноат мажмуасини ривожлантириш иккита асосий йўналишни камраб олади. Биринчиси, кишлок хўжалик маҳсулотлари ҳажмини ошириб бориш, иккинчидан, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш. Бу икки масалани ижобий ҳал қилишнинг агросаноат мажмуидаги кичик тадбиркорликни кучайтиришга боғлиқдир.

Қашқадарё вилоятида 2004-2008 йилларда тадбиркорлик субъектлари сони кескин ошди. Фикримизча, муддатли прогноз мълумотларига кўра тадбиркорлик субъектлари сони 2011 йилда 2004 йилга нисбатан 1,6 марта ортиши кутилмоқда. (1-жадвал)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётга кенг тадбиқ этилиши, текшириш ишларининг қисқарганлиги, бизнес юритиш учун молия ва вақт харажатларининг камайганлиги, рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тизимининг жорий этилиши натижасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони жадал суръатларда ошиб, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, уларнинг сони Қашқадарё вилоятида 2009 йил январ ҳолатига 74865 тагача етди ва 2004 йилга нисбатан 1,7 баробар ошган. Ушбу кўрсаткични тармоқлар таркиби бўйича таҳлили кўрсатишича кичик

тадбиркорлик субъектларининг тармоқлар ўртасида тақсимланишида номуносивбликлар борлигини кузатишимиз мумкин.

1-жадвал

Қашқадарё вилояти тармоқлари бўйича фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сонининг 2010-2011 йилларда ўсиш прогнози⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар					Прогноз			2011 йилда 2004 йилга нисбатан фарқи (+;-)
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	
Тадбиркорлик субъектлари сони	44295	57903	69845	74024	74875	73911	73409	73934	29639
Ўртача сирғанувчи коэффициент	-	57347	67257	72912	73805	-	-	-	-
Ўртача хатолик кўрсаткичи	$\left[\frac{y_{\phi} - y_{\phi}}{y_{\phi}} * 100 \right]$	7,6	23,4	27,7	28,5	$\sum 87,3$	-	-	-

Саноат корхоналири сони 2008 йилда 2004 йилга нисбатан 1,2 мартага ошган ҳолда тармоқдаги улуши эса 0,2 мартага камайган. Қурилиш соҳасида савдо ва маиший хизмат соҳасида транспорт ва алоқа тармоқларида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Таҳлилларимиз кўрсатишича кичик тадбиркорлик субъектларининг уй-жой коммунал хўжалиги (0,7), соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот(0,8), таълим тармоқлари (0,7)нинг иқтисодиётдаги улуши пасайиб кетганлигини кўриш мумкин. Вилоятда фақатгина қишлоқ хўжалиги(1,1) ва транспорт(1,3) нинг 2004-2008 йилларда улуши иқтисодиёт таркибидаги улуши ошган (2-жадвал).

Фиқиримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сонининг тармоқдаги улушининг соҳалар бўйича ўзгариши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- минтақадаги тармоқлар бўйича ихтисослашуви;
- минтақадаги тармоқлар бўйича таклиф ва унга таъсир қилувчи омилларга;
- минтақадаги демографик ҳолатига;
- минтақадаги ресурслар таркибига;
- замонавий технологияларнинг жорий қилиниш даражасига;

Кичик корхоналарни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатида озиқ-овқат саноати фаолиятида сезиларли кўзга ташланади. Кичик тадбиркорлик субъектлари пахта тозалаш саноати, ун ёрма саноатида тарқоқ ҳолда, баъзан норасмий ҳолатда фаолият кўрсатмоқда.

Бизнинг фикримизча озиқ-овқат саноатида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш агросаноат мажмуининг бошқа

⁶ Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

тармоқларини ривожлантиришга асос бўлади ва йирик қайта ишловчи саноат корхоналар улушининг камайишини тармоқ бўйича тўлдириш имконияти пайдо бўлади.

2-жадвал

Қашқадарё вилояти иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони ва тармоқлар бўйича улушининг ўзгариши⁷.

Тармоқлар	2004 й.	Тармоқ ларнинг улуши (%)	2005 й.	Тармоқ ларнинг улуши (%)	2006 й.	Тармоқ ларнинг улуши (%)	2007 й.	Тармоқ ларнинг улуши (%)	2008 й.	Тармоқ ларнинг улуши (%)	2008 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариш(%)	Тармоқ лар улушининг 2008йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши (марга)
Саноат	1634	3,7	1705	2,9	1830	2,6	1888	2,6	2117	2,8	129,6	0,8
Қурилиш	1446	3,3	1646	2,8	1839	2,6	1898	2,6	2150	2,9	148,7	0,9
Қишлоқ хўжалиги	33881	76,5	47036	81,2	58188	83,3	60053	81,1	61153	81,7	180,5	1,1
Транспорт ва алоқа	197	0,4	244	0,4	352	0,5	363	0,5	446	0,6	226,4	1,3
Савдо ва маиший хизмат	5936	13,4	5946	10,3	6196	8,9	7596	10,3	7685	10,3	129,5	0,8
Уй коммунал хўжалик	347	0,8	358	0,6	384	0,5	389	0,5	420	0,6	121,0	0,7
Соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот	224	0,5	240	0,4	266	0,4	269	0,4	315	0,4	140,6	0,8
Таълим соҳаси	59	0,1	62	0,1	66	0,1	68	0,1	69	0,1	116,9	0,7
Бошқалар	571	1,3	666	1,2	724	1,0	1500	2,0	510	0,7	89,3	0,5

Вилоят агросаноат мажмуида қайта ишловчи корхоналар бозор иқтисодиётининг субъекти сифатида турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатади. Мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашда 2 та очиқ хиссдорлик жамияти, 2 та маъсулияти чекланган жамиятлар, 2 та қўшма корхона, 9 та кичик корхоналар мавжуд. Қолган тармоқларда кичик корхоналарнинг актив фаолияти кузатилмади(3-жадвал).Шунингдек, қайта ишлаш соҳасида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятида яққол кўзга ташланади.

Қашқадарё вилояти ва унинг туманларида кичик ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган аҳолининг таҳлили ўрганилганда кичик тадбиркорликда машғул бўлганлар умумий иқтисодиётда банд бўлганлар сонидан камлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткич 2008 йилда Қашқадарё вилоят туманларида 75,6 фоизга тўғри келган. Кичик тадбиркорликда очилган янги иш жойларини очиш бўйича кўрсаткичлар Республика даражасидан 0,4 фоизга камлигини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Бу кичик тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодида умумий банд бўлганлардаги улуши ошиб борган ҳолда янги иш ўринларини яратиш паст даражада эканлигини англатади. Тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси кўрсаткичларини ҳисоблашда ҳудуд меҳнат ресурсларининг тадбиркорликка мойиллик даражасини

⁷ Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

аниқлаш муҳим. Чунки иқтисодий фаол аҳоли иқтисодий муносабатларда катнашиш жараёнида жисмоний ва ақлий имкониятларини ишга солади.

3-жадвал

2005-2008 йилларда Қашқадарё вилоятида қайта ишловчи корхоналарнинг таркибининг ўзгариши⁸

№	Қайта ишловчи корхоналарининг мукчилик шакллари	Йиллар				2008 йилда 2005 йилга нисбат ан ўзгари ш, %
		2005	2006	2007	2008	
Мева-сабзавотни қайта ишлашда						
1	ОХЖ	2	2	2	2	100
2	МЧЖ	2	2	2	2	100
3	Қўшма корхоналар	1	2	2	3	300
4	Кичик корхоналар	4	6	7	9	225
Дон махсулотларини қайта ишлашда						
1	ОХЖ	3	3	3	3	100
	Кичик корхоналар	1	2	2	4	400
	Якка тартибдаги корхоналар	3	3	4	6	200
2	Қўшма корхоналар	1	1	1	1	100
Пахтани қайта ишлашда						
1	ОХЖ	13	13	12	12	92,3
2	Қўшма корхоналар	3	3	3	3	100,0

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликка мойиллик даражасини ҳисоблаш ҳудуднинг ихтисослашганлик даражаси ва ҳаракатчан меҳнат ресурслари қайси тармоқда кўпроқ фаолият кўрсатаётганлиги ва тармоқда тадбиркорлар учун қайси самарали эканлигини кўрсатади(йирик ва соф монополь корхоналар бундан мустасно).

Тармоқ бўйича тадбиркорликка мойиллаш даражасини қуйидагича ҳисоблашимиз мумкин: $TMD_T = \frac{TBC_T}{TMC_T} \cdot 100$

Бу ерда TMD_T - Тармоқ бўйича ҳудуднинг тадбиркорликка мойиллаш даражаси

TBC_T - Тармоқ бўйича тадбиркорлик субъектлари сони

TMC_T - Тармоқ бўйича фаолият кўрсатаётган меҳнат ресурслари сони.

Қашқадарё вилоятида 2008 йил қишлоқ жойларда 394700 меҳнат ресурси мавжуд бўлиб, тармоқда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари(деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар) сони 61153 бирликни ташкил қилган. Вилоятда тармоқнинг тадбиркорликка мойиллик даражасини қуйидагича топишимиз мумкин:

$$TMD_T = \frac{TBC_T}{TMC_T} \cdot 100 = 61153/394700 \cdot 100 = 15,4$$

2008 йил вилоятда қишлоқ хўжалигида 15,4 фоиз меҳнат ресурси тадбиркорликка мойил ва лаёқатли бўлиб 2004 йилга нисбатан 1,5 мартага ортган.

Тадбиркорликка мойиллик даражаси меҳнат ресурсларининг қанча фоизи тадбиркорликка қизиқиши ва уни уддалай олиши мумкинлигини англатади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ҳудуд ёки тармоқнинг ривожланиш даражасини аниқлаш ва қайси жойда қандай тадбир ўтказиш йўналишларини белгилаш имконини яратади.

⁸ Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилди

**Қашқадарё вилояти агросаноат мажмуида меҳнат ресурсларининг тадбиркорлика
мойиллик даражаси⁹**

Кўрсаткичлар	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2007 йилда 2004 йилга нисбатан, марта.
Тадбиркорлик субъектлари сони, бирлик	44295	57903	68845	72074	74865	1,7
Жами меҳнат ресурслари сони, минг киши	1199	1233	1296	1343	1365	1,1
АСМда тадбиркорлик субъектлари сони, бирлик	33881	47036	58188	60053	61153	1,8
АСМ да жами меҳнат ресурслари сони, минг киши	317,7	318,9	329,0	342,5	394,7	1,2
Худуд меҳнат ресурсларининг тадбиркорликка мойиллик даражаси,%	3,5	4,4	5,1	5,4	5,4	1,5
АСМ да меҳнат ресурслари тадбиркорликка мойиллик даражаси,%	10,6	14,7	17,6	17,5	15,4	1,5

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш даражасини ҳамда иш билан бандликни ошириш учун вилоят ҳудудлари бўйича қуйидаги ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур:

- иш билан бандликнинг тармоқ ва ҳудуд таркибини такомиллаштириш;
- меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг миқдор ва сифат (касб-малака) жиҳатдан мутаносиблигини таъминлаш;
- ишчи кучининг сифатини, касбий ва ҳудудий ҳаракатчанлигини ошириш;
- ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган ҳудудлар ва қишлоқ жойларида инвестиция фаоллигини ва иш жойлари яратишни рағбатлантиришга қаратилган фаол ҳудудий саноат сиёсатини амалга ошириш. Меҳнат бозоридаги вазият оғирлашган ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича алоҳида тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Ушбу ҳудудлар меҳнат бозоридаги тангликни бартараф этиш учун қулай инвестиция шароитларини яратиш зарур;
- касб-ҳунар коллежларида ўқитиш уларнинг мутахассислик ва ўқув йўналишларини юз бераётган таркибий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқлигини таъминлаш. Бунда меҳнат бозорининг жорий эҳтиёжлари ҳамда иқтисодиётнинг янги тармоқлари, қайта ишлаш ишлаб чиқаришлари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси, хусусий сектор ва кичик бизнесни жадал ривожлантиришни кўзда тутиш лозим бўлади.

Авваломбор тадбиркорлик асосий манбаи ҳисобланган меҳнат ресурсларининг билим савияси ва тажрибасини ошириш учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш лозим. Буни икки йўналишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчидан, тадбиркорлик фаолияти билан шўғулланувчиларни, иккинчи йўналишда олий ўқув юрти ва

⁹ Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томондан ишлаб чиқилди

коллежларда таҳсил олиш имкониятига эга бўлмаган, иш жойларининг қисқариши, зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг тугатилиши муносабати билан ишсиз бўлиб қолган меҳнат ресурсларига касб-хунар ўргатиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш механизмини ишлаб чиқиш лозим.


Қуйида биз томонимиздан агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликнинг соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш тизими тавсия этилади(2-расм).

Таълим олувчилар	Тадбиркорлар	Маълумотга эга бўлмаган ишсизлар	Маълумотга эга бўлган ишсизлар
Таълим бериш йўналиши	Малака ошириш Тажриба алмашиш	Касб –хунар ўргатиш	Янги касб бўйича йўналтириш
Таълим беришнинг мақсади	-Бозор иқтисодиётига мослаштириш учун янги ахборотлар билан таништириш -Республика ва хорижда эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш	Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидан бошқа соҳаларига жалб қилиш ва улар тўғрисида тушунча бериш. Ушбу йўналишда касб - хунарга ургатиш ва йўналиш бериш	
Таълимни ташкиллаштирувчи ташкилот ва муассасалар	Вилоят ва туман ҳокимликлари, Фермерлар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Вилоят ва туман ҳокимликлари, меҳнат биржалари, олий укув юртлари, касб хунар коллежлари, бизнес инкубаторлар.	
Тингловчи ва таълим берувчи ўртасидаги алоқани ташкил этиш ва унинг муддати	-Бевосита аудитория-ларда ҳар икки йилда бир ой -Интернет, факс, почта оқали ўзлуксиз	-Бевосита аудиторияларда йилнинг ҳар ойида янги тингловчиларни қабул қилиш - Интернет, факс, почта оқали ўзлуксиз	
Таълим олиш босқичлари ва тингловчиларни рағбатлантириш	Биринчи босқич - бир ойлик таълим, мамлакат бўйича тажриба алмашиш Иккинчи босқич-бир ойлик таълим олиш ва тажриба алмашиш натижасида тадбиркор-ликда янгилик яратиш соҳаларни кенгайтир-ган тадбиркорлар хорижда тажриба алмашишига жунатиш	Биринчи босқич , бир ойлик таълимда касб хунар урганиш. Иккинчи босқич таълим олган йўналиши бўйича янги иш жойи очганда тадбиркорларни ўқитиш тизимига йўлланма бериш.	Биринчи босқич- , бир ойлик таълимда ўзи қизикқан соҳани урганиш. Иккинчи босқич таълим олган йўналиши бўйича янги иш очганда тадбиркорларни ўқитиш тизимига йўлланма бериш.
Таълимни қўллаб – қувватлаш	Вилоят ва туманларнинг маҳаллий бюджети, агросаноат мажмуидаги йирик корхоналарнинг махсус фондлари, молиявий барқарор тадбиркорлик субъектлари ҳисобидан молиялаштириш.		

2-расм Агросаноат мажмуида кичик тадбиркорлик соҳалари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш тизими.

Бизнингча, агросаноат мажмуи тармоқлари бир-бирини тақозо қилганлиги учун уларнинг ўзаро бирлашиб ҳаракат қилиш механизмини шакллантириш, яъни соҳаларни ўзида бирлаштирган кооперацияни ташкил қилиш ва ушбу кооперация йириклашган фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи кичик корхоналарнинг моддий базаси асосида инфратузилма корхоналари йўналишларида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу кооперация агросаноат мажмуи корхоналарида молиявий бирлашуви асосида ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишлаш корхоналарининг ривожланишига асос бўлади. Кооперация аъзолари агросаноат мажмуи кичик корхоналари бўлиб, улар ишлаб чиқаришнинг функционал йўналишлари бўйича бирлашади. Ташкил этилган кооперация кенгаши қарори асосида амалга оширувчи тузулма томонидан ижро этилади. Масалан, қишлоқ хўжалигида 2500 га яқин қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланилиб, уларнинг барчасини бир кичик корхона томонидан сотиб олиш имкониятига эга эмас. ММТПларнинг қишлоқ хўжалиги машиналарини сотиб олишга имконияти етмайди. Давлат ҳам ҳар бир ҳудудда комплекс қишлоқ хўжалиги машиналари билан таъминлаш имконияти етарли эмас. Давлат томонидан фақат ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий имтиёзлар ёрдамида рағбатлантирилиб турилиши мумкин.

Бундай вазиятда кичик корхоналар имкониятларини бирлаштириб, кооперация асосида ўзини-узи таъминлаш мумкин. Техника ва технология йўналишида бирлашган кооперация аъзолари ихтиёрий равишда қишлоқ хўжалик машиналарини, қайта ишлаш технологияларини ва инфратузилма корхоналарига керакли воситаларни сотиб олишга молиявий маблағларини бирлаштирилади.



3-расм. Агросаноат мажмуи кичик корхоналарида кооперацияни ташкил этиш механизми¹⁰

Тупланган молиявий маблағлар ҳисобига олинган техника ва технологиялардан фойдаланиш кооперация кенгаши қарори билан мулк эгалари томонидан тўла фойдаланилади, кооперация аъзоларига улар хизматлари учун имтиёзлар берилади. Кооперацияга аъзо бўлмаган кичик корхоналардан эса тўлиқ хизмат ҳақи олинади. Ушбу келиб тушган даромаддан кооперацияни ташкил этиш ва ижро этиш харажатлари олиб қилиниб, мулк эгалари ўртасида қўшган улушига кўра тақсимланади.

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган

Кооперациянинг бундай тартиби бошқа функционал бирлашувларда қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу кооперацияни ташкил этиш асосида бозор функциялари асосида агросаноат мажмуи тармоқлари мажмуа тарзида самарали фаолият кўрсатиб, комплекс хизматлар бозори шаклланади. Шунингдек, кооперация АСМда кичик корхоналарнинг ўз-ўзини бошқариш, ривожлантириш органига айланади ва тармоқ самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бундай вазиятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш лозим бўлади. Ўртача ер майдонига боғлиқ ҳолда камида 20-30 миллионгача, 30 миллиондан ортиқ фойда оловчи фермер хўжаликларини ташкил қилиш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Қашқадарё вилоятида фермер хўжаликларида фойда гуруҳлар бўйича сонининг ўзгаришига кўра, 2008 йилда 2001 йилга нисбатан 10 миллион сўмгача (7,7 мартага), 10,1-20 миллион сўмгача (6,7 мартага), 20,1-30 миллион сўмгача (2,3 мартага), 30,1 миллион сўмдан ортиқ (2,9 марта) фойда олаётган фермер хўжаликлари сони ошиб борган. Унга таъсир қилувчи омиллар сифатида фермер хўжаликлари сони 8,7 мартага, фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 1,3 мартага ошган. Ўртача ишчилар сони эса 0,3 мартага камайган. Агар ҳудуднинг мавжуд ер захираси фақат фермер хўжаликларига тақсимланса, улар сонининг ўсишига умумий ер майдони таъсир қилмай қолади.

Ушбу даврдан бошлаб фермерчилик ҳаракатининг янги босқичи бошланади. Ушбу босқичда фермерлар ҳаракати қуйидаги ҳолатларга боғлиқ ҳолда ривожланади:

- биринчидан, кам фойда оловчи (10 миллион сўмгача, кичик) фермер хўжаликлари, ўзининг такрор ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этишга ҳамда ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга, бир бирлик маҳсулот таннархини камайтириб эркин рақобат шароитида яшаб қолишга ҳаракат қилади;

- иккинчидан, ўртача фойда оловчи (20 миллион сўмгача, ўрта) фермер хўжаликлари ўз имкониятларини кенгайтириш мақсадида бирлашиб кооператив тузишга ҳаракат қилади, чунки тенг имкониятга эга корхоналар табиатига кўра бирлашишни маъқул кўрадилар;

- учинчидан, кўп фойда оловчи (20,1-30 миллион сўмгача, 30 миллион сўмдан ортиқ, йирик) фермер хўжаликлари ўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш билан бирга ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга ҳаракат қиладилар. Бунда бир неча йўллардан фойдаланади. Биринчи йўли тугатилаётган фермер хўжаликлари ерларини ўзлаштириш, иккинчи йўли фаолият соҳаларини кенгайтириш, учинчи йўли саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарини жалб этишдир.

Бозор муносабатларига ўтиш агросаноат иқтисодиётининг самарадорлигини ошириш муаммосини янгича мулоҳаза қилишни тақозо этади. Айниқса, кичик корхоналар иқтисодиётда бундай омиллар таъсирида

иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш ва уни бу жараёндаги мавжуд зиддиятларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Агросаноат тармоқлари ва корхоналари самарадорлигини ошириш омилларини аниқлашда асосий тамойиллар қуйидагилар бўлиш мумкин:

- самарадорликнинг барча кўрсаткичлари учун омиллар таснифларини ишлаб чиқишда ўзаро боғлиқликни таъминлаш;
- ресурс салоҳиятини аниқлаш ва иқтисодий самарадорликни ошириш резервларидан фойдаланиш;
- омилларни гуруҳлаш асосидаги самарадорликнинг ошишини ҳисоблашнинг ишончлилиги ва асосланганлигини таъминлаш.

Омилларнинг юқорида таъкидланган тамойилларини ҳисобга олиш билан ишлаб чиқилиши керак бўлган таснифи хўжалик фаолиятининг турли томонларини қамраб олади. Бунда мажбурий тартибда бошқарувнинг таркибий тузилиши ва ишлаб чиқаришнинг кўламлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Мулкчилик шакллариининг турли хиллигини ҳисобга олиш билан ишлаб чиқиш зарур, чунки самарадорлик кўрсаткичлари кичик корхоналар учун бир хилда, кооперациялар, концернлар, ассоциациялар ва қўшма корхоналар учун бошқача бўлиши керак. Аммо ишлаб чиқаришнинг барча шакллари учун самарадорликни аниқлашга қаратилган тамойиллар бир хил бўлиши лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида самарадорлик кўрсаткичлари тизимини тўғри аниқлаш муҳимдир.

Агросаноат мажмуида самарадорлик омиллари ва кўрсаткичлари, уларнинг фаолият йўналишлари ўртасидаги ўзаро яқин алоқа мавжуд, улар самарадорликни баҳолашда бир-бирларини тўлдирадилар. Шунинг учун самарадорликка омиллар таъсирини тўғри белгилаш зарур. Тармоқ ва уларда фаолият кўрсатаётган корхоналар самарадорлигини оширишнинг барча таснифловчи омиллари учун уларнинг таъсирини қуйидаги гуруҳлар билан белгилаш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг техник даражасини ошириш.
- бошқарувни, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш;
- тармоқ ишлаб чиқаришини таркибий ислоҳ қилиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат мажмуи корхоналарининг ривожланиш истиқболи мажмуа тарзда фаолият кўрсатишни тақозо қилади. Ушбу мақсадни амалга ошириш йулларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчи кичик корхоналар имкониятлари даражасида инфратузилма йўналишларида фуқционал бирлашувини ташкил этишдир. Шу орқали агросаноат мажмуининг бозор функцияларидан келиб чиқиб самарадорликни ошириш ва баҳолаш, ўз-ўзини бошқариш имконияти кенгайди.

Агросаноат мажмуида бошқарув самарадорлигини баҳолаш ва аниқлаш икки томонлама қаралиши лозим. Биринчидан, иқтисодий самарадорлик-ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматларнинг натурал миқдори ва қиймати харажатлар билан таққосланади, иккинчидан бошқарув самарадорлиги-эришилган ташқи ва ички ижтимоий-иқтисодий натижа

бошқарув харажатлари билан солиштирилади. Бунда самарадорлик ишлаб чиқариш ва хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини тўла қамраб олиши, ички ва ташқи кўрсаткичлар ҳамда омилларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаши орқали аниқланиши лозим. Шунингдек, самарадорликни аниқлашда йиллик иқтисодий самарага, бошқарувни такомиллаштириш учун кетган харажатларнинг қопланишига, бошқарув аппарати меҳнати унумдорлигига эътибор қаратиш ҳамда агросаноат мажмуининг самарадорлигини баҳолашда тармоқнинг ва фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг самарадорлигини алоҳида ҳисоблаш улар ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш лозим.

ХУЛОСА

Тадқиқотлар жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Тадбиркорлик кишилар ҳаракати ва меҳнати орқали вужудга келса-да, у меҳнат ресурсларидан алоҳида ажралган ҳолда кишилар гуруҳини мужассамлаштириб, ижтимоий нуқтаи назардан мулкдорлар синфининг ҳамда ижтимоий соҳада фаол қатнашадиган кишилар гуруҳининг шаклланишига, иқтисодий нуқтаи назардан мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ўсиб келаётган эҳтиёжларни ўз ўрнида қондиришда муҳим аҳамият касб этиши аниқланди.

2. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қишлоқ хўжалигига саноат корхоналарини олиб кириш, қолган тармоқларни ҳам ривожлантиришга асос бўлади. Шунинг учун, саноатда кичик тадбиркорликни ривожлантириш вилоят иқтисодиётининг устивор йўналиши бўлиши керак. Бу борада хорижий ва маҳаллий инвестициялардан кенг фойдаланиш лозим. Қашқадарё вилоятида хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш 2008 йилда умумий жалб этилган инвестициялар 2672 млн. сўмни ташкил этиб, шулардан қишлоқ хўжалигига 250 млн. сўм ва саноатда 650,3 млн. сўм киритилган. Агросаноат мажмуида инвестиция соҳасини кенгрок ривожлантириш қишлоқ хўжалигида кичик тадбиркорликнинг ривожланишига асос бўлади ҳамда иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида тадбиркорлик улушининг ошишини таъминлайди.

3. Вилоятда мева-сабзовот маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси етиштирилган маҳсулотни 59,4 фоизини ташкил этиши аниқланди. Бу эса етиштирилаётган маҳсулотларни деярли 40 фоизи қайта ишлаш имкониятини йўқлигини билдиради.

4. Вилоятда кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорларнинг ривожланиш даражаси уларнинг 1000 кишига тўғри келиш даражаси 2008 йилда 27,7 тани ташкил этган, кичик корхоналарни яратилиш коэффиценти 4,0 ликвидлик коэффиценти 2,9 фоизни ташкил этган. Бошқа ҳудудлар билан таққослаганда, жумладан, Бухоро вилоятида-38,7, Навои вилоятида – 31,2 ва Самарқанд вилоятида – 48,9 тани ташкил этиши, вилоятда бу соҳада чуқур ислохотлар олиб бориш зарурлигини билдиради.

5. Вилоятда тармоқлар бўйича фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлар сони экстраполяциянинг сирғанувчи ўрта усули орқали яқин

йиллар учун прогноз қилинди. Прогноз натижасига кўра вилоятда 2010-2011 йилларда кичик тадбиркорлик субъектлар сонининг ортишини, яъни мос равишда 73469 ва 73934 тани ташкил этади. 2011 йилда 2004 йилга нисбатан 29639 тага кўпайиши кутилмоқда.

6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари асосий етакчи ўринга эга эканлиги таҳлил қилинди. 2008 йилда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 35,3 фоизини фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилиб, 2004 йилда ушбу кўрсаткич 1,1 баробар ошган. Деҳқон хўжаликларига 2008 йил ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 60,1 фоизи тўғри келиб, 2004 йилдагига нисбатан 1,1 фоизга ошган. Бошқа турдаги корхоналарнинг улуши 2008 йилда 11,7 фозни ташкил этган ҳолда 2004 йилга нисбатан 0,6 бирликка камайиб кетган. Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, қишлоқ хўжалигида чорвачиликка нисбатан деҳқончилик яхши ривожланмоқда. Тармоқлар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф қилиш ҳамда тармоқлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун тармоқлар бўйича фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларига биринчидан, соғлом рақобат муҳитини яратиш, иккинчидан, иқтисодий эркинликни таъминлаш, учинчидан, янги технологиялар кириб келишини рағбатлантириш ва тадбиркорларнинг янгиликка интилувчанлик қобилиятини шакллантиришга кўмаклашиш ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим.

7. Вилоятнинг 7 та туманида мини цехлар ва 11 та агрофирма мавжуд бўлиб, фермер хўжаликлари билан 1197 та шартнома тузиб, 5638,0 млн. сўмлик маҳсулот сотиб олиб қайта ишланган, шундан 131.6 млн. сўмлик маҳсулот экспорт қилинган. Экспорт фақат Китоб ва Шаҳрисабз туманларида амалга оширилган. Қолган туманларда фаолият кўрсатаётган агрофирмаларнинг экспорт салоҳиятини ошириш қишлоқ хўжалигининг саноат билан интеграциясини кучайтиради ва инфратузилма корхоналарининг ривожланишига асос бўлади.

Тадқиқот ишида агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни барқарор ривожлантиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф** ва **амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Кичик тадбиркорлик тўғрисидаги назарий қарашлар чуқур таҳлил қилинди ва қуйидагича таъриф бериб ўтилди: кичик тадбиркорлик фойда олиш мақсадида инновация ва таваккалчиликка асосланган ҳолда ресурсларни бирлаштириш ва ҳаракатга келтириш, бошқариш жараёнини ўз ичига олган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятидир.

2. Агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни ривожлантириш асосан икки йўналишда: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати ишлаб чиқариши кўринишида бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ривожланишига боғлиқ. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишловчи корхоналарнинг моддий

базасида инфратузилма йўналишлари бўйича кооперацияни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

3. Вилоятда хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишни кўпайтириш орқали, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни жалб этишни кенг йўлга қўйиш зарур.

4. Вилоят туманларидаги агрофирмалар маҳсулотларини экспорт имкониятини ошириш лозим. Бунда барча тумандаги агрофирмаларни иш фаолиятини қайта ташкил этиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифатини жаҳон бозори талабига олиб чиқиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур бўлади.

5. Вилоятда кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорларнинг ривожланиш даражаси 1000 кишига тўғри келиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш лозим бўлади. 2010-2011 йилларда ушбу даражани 100-120 тага ошириб бориш, вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга ва ишсизлар сонини деярли икки баробарга камайиш имконини беради.

6. Вилоятда тармоқлар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф қилиш ҳамда тармоқлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш зарур. Кичик тадбиркорлик субъектларнинг қишлоқ хўжалигидаги фаолиятини умумий улушини 60 фоиз атрофида бўлишини таъминлаш орқали, қолган тармоқлардаги кичик тадбиркорлик фаолиятини улушини орттириб бориш зарур.

7. Агросаноат мажмуи тармоқлари ва корхоналарининг самарадорлигини ошириш омилларини таснифлаш орқали ташкилий-иқтисодий қарорларнинг самарадорликка таъсир даражасини ҳар томонлама таърифлаши, бошқа томондан эса самарадорлик кўрсаткичларининг алоқасини аниқланиши лозим. Ушбу билан тармоқ ва корхона самарадорлигини ошириш омилларини ишлаб чиқишда асосий тамойиллар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: самарадорликнинг барча кўрсаткичлари учун омиллар таснифларини ишлаб чиқишда ўзаро боғлиқлик; ресурс салоҳиятини аниқлаш ва иқтисодий самарадорликни ошириш резервларидан фойдаланиш; омилларни гуруҳлаш асосидаги самарадорликнинг ошишини ҳисоблашнинг ишончлилиги ва асосланганлигини таъминлаш лозим.

8. Агросаноат мажмуида асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар бўлиб, фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатади. Деҳқон хўжаликларида деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан кўра чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш салмоғи юқори. Фермер хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда катта салмоқини эгаллайди, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса фақат оилавий шароитда норасмий ҳолда ривожланмоқда. Бу иккала хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатади ва бу қайта ишлаш саноати кириб келишини кучайтиради.

Ушбу фаолиятни ривожлантиришда, биринчидан, фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни расмий ҳолатга ўтказиш ва ер майдонларида ем-хашак етиштириш имкониятини яратиш. Шунингдек, деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлашдан ҳосил бўладиган ем-хашак ва бошқа маҳсулотларни сотиш шохобчаларини ташкил этиш лозим. Иккинчидан, деҳқон хўжаликларини норасмий сектордан расмий секторга ўтказиш чора-тадбирларини кўриш ва уларда шартномавий муносабатларни тартибга солиш лозим.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Қурбонов А.Б. Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жорий қилиш ва ходимлар малакасини ошириш // Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.- Қарши-2002.-Б.199-202.
2. Қурбонов А.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ташкилий иқтисодий асослари. // Янги иқтисодий тизим шароитида халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари Республика илмий-амалий конференция материалари.- Қарши,2003.-Б. 36-38.
3. Қурбонов А.Б. Қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти. // Янги иқтисодий тизим шароитида халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Қарши,2003.-Б.198-199.
4. Қурбонов А.Б. Агросаноат мажмуида кичик ва ўрта тадбиркорликни бошқариш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали.- Тошкент,2004.-№ 1-2.-Б.59.
5. Қурбонов А.Б. Тадбиркорнинг бошқариш санъати. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги -Тошкент,2004.-№12-Б.12.
6. Курбонов А.Б. Перспективы развития агропромышленного комплекса Узбекистана на основе малого и среднего бизнеса. // Семнадцатые международные плехановские чтения. Российская Академия им. Г.В.Плеханова.-Москва,-2004.-С.296-298.
7. Қурбонов А.Б. Равшанов А.Д. Ресурсларни бошқариш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги –Тошкент, 2005.-№1-2-Б.11.
8. Курбонов А.Б. Темирова Ф. Агропромышленность Узбекистана проблемы, решения. // Материалы международной научно-практической конференции Социально-экономические проблемы переходной экономики-Санкт-Петербург, 2005.- С.295-296.
9. Қурбонов А.Б. Қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда маркетинг ўрни. // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотларида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2005.- Б.285-286.

10. Қурбонов А.Б. Бунёдкорлик омили. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-Тошкент, 2006.-№ 3.-б.10.
11. Қурбонов А.Б. Иқтисодий ислохотларни олиб боришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти. // Аграр соҳада иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишлари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. -Тошкент, 2006.-Б.128-129.
12. Зайнутдинов Ш.Н. Қурбонов А.Б.Агросаноат мажмуаси ва унда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини барқарорлаштириш. // Аграр соҳада иқтисодий ислохотларнинг устивор йўналишлари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. -Тошкент, 2006.-Б.124.
13. Зайнутдинов Ш.Н., Қурбонов А.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш омиллари. // Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари Республика илмий-амалий конференция материаллари-Тошкент, 2007.-Б.126-128.
14. Зайнутдинов Ш.Н. Қурбонов А.Б.Тадбиркорлик назариясининг эволюцион ривожланиши. // Иқтисодиёт ва таълим–Тошкент, 2007.-№ 3.-Б 21-22.
15. Қурбонов А.Б. Агросаноат мажмуида кичик тадбиркорлик субъектлари харажатларини бошқариш. // Иқтисодиёт ва таълим. -Тошкент, 2008.-№3.-Б.60-62.
16. Қурбонов А.Б. Фермер хўжаликларининг ривожланиш истиқболлари ва йўналишлари. // Биржа эксперт.-Тошкент, 2009.-№ 3.-Б.13-17.
17. Курбанов А.Б. Совершенствование оценки эффективности управления в агропромышленном секторе. // Экономика и финансы.-Москва, 2009.-№ 3-С.40-41.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Қурбонов Алишер
Бобоқуловичнинг 08.00.04-Агросаноат мажмуи иқтисодиёти ихтисослиги
бўйича «Агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни ривожлантириш
йўналишлари (Қашқадарё вилояти мисолида)»
мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: агросаноат мажмуи, кичик тадбиркорлик, бошқариш, иқтисодий самарадорлик, молиялаштириш.

Тадқиқот объектлари: Қашқадарё вилояти АСМ тармоқларида кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни барқарор ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: статистик, эмпирик иқтисодий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, таққослаш, монографик кузатиш усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: 2010-2011 йиллардаги кичик тадбиркорликнинг ривожланиш истиқболлари ва агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликка мойиллик даражаси ҳисобланган; агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий воситалари таҳлил этилган ва кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; агросаноат мажмуи инфратузилмасида кичик тадбиркорлик субъектлари кооперациясини ташкил этиш механизми ишлаб чиқилган; агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликнинг ривожланиш истиқболлари, самарадорликни баҳолаш усуллари ва ошириш йўллари ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар агросаноат мажмуида кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда замонавий бошқарув усулларини жорий этиш, самарали бошқарув андозаларига боғлиқ чора-тадбирлари ва кичик тадбиркорлик ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, уларни амалиётда қўллашнинг ҳуқуқий ташкилий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Диссертация ишининг илмий таклиф ва амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материаллари Олий ўқув юртларида “Агросаноат мажмуи иқтисодиёти”, “Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти”, ”«Менежмент», «Бизнес ва тадбиркорлик», «Кичик бизнесни бошқариш» каби махсус курсларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Алишер Бобокулович Курбонова на тему: «Направления развития малого предпринимательства в агропромышленном комплексе (на примере Кашкадарьинской области)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04–«Экономика агропромышленного комплекса»

Ключевые слова: агропромышленный комплекс, малое предпринимательство, управление, экономическая эффективность, финансирование.

Объекты исследования: субъекты малых предприятий агропромышленного комплекса Кашкадарьинской области.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по устойчивому развитию и повышению социально-экономической эффективности малого предпринимательства в агропромышленном комплексе в условиях либерализации экономики.

Методы исследования: статистический, эмпирический экономический анализ и синтез, индукция и дедукция, сравнение, методы монографического наблюдения.

Полученные результаты и их новизна: определены перспективы развития малого предпринимательства в 2010-2011 годах и степень расположенность к малому предпринимательству в агропромышленном комплексе; проанализирована экономические средства развития малого предпринимательства в агропромышленном комплексе и разработаны практические рекомендации по совершенствованию системы повышения квалификации кадров; разработан механизм организации кооперации субъектов малого предпринимательства в инфраструктуре агропромышленного комплекса; разработаны перспективы развития, методы и пути повышения оценки эффективности малого предпринимательства в агропромышленном комплексе.

Практическая значимость: Разработанные научные предложения и практические рекомендации по итогам проведенного исследования могут использоваться при внедрении современных методов управления в развитии деятельности малого предпринимательства в агропромышленном комплексе, разработке мероприятий, связанных со стандартами эффективного управления и стратегии развития малого предпринимательства, совершенствовании экономических правовых-организационных механизмов практического применения.

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные предложения и практические рекомендации диссертации приняты для внедрения в практику Министерством сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан главным управлением экономики Кашкадарьинской области, материалы диссертации могут быть использованы в высших учебных заведениях в совершенствовании учебных программ курсов «Экономика агропромышленного комплекса», «Экономика дехканских и фермерских хозяйств», «Менеджмент», «Бизнес и предпринимательство», «Управление малым бизнесом» и в процессе преподавание высших учебных заведениях.

Область применения: Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, высшие учебные заведения.

RESUME

thesis of Alisher Bobokulovich Kurbanov on scientific degree of the candidate of economic sciences, on speciality 08.00.04-"Economy of agro-industrial complex", subject: "Directions of small business development in agricultural industrial complex" (on the example of Kashkadarya region)

Key words: agricultural industrial complex, small enterprise, management, cost-performance, financing

Subject of research: small business entities in agricultural industrial complex of Kashkadarya region.

Purpose of work: development of scientific proposals and practical recommendations on stable development and increasing of social-economic efficiency of small business in agricultural industrial complex in conditions of liberalization of economy.

Methods of research: statistical, empirical economic analysis and syntheses, induction and deduction, comparison, methods of monographic observation.

The results obtained and their novelty: prospects small business development in 2010-2011, stabilization of economy and the degree of predisposition to small business in agricultural industrial complex; the main economic facilities of small business development in agricultural industrial complex were analyzed and practical recommendations on the improvement of staff advanced training system were worked out; the mechanism of organization of small business entities cooperation in agricultural industrial complex infrastucure was worked out; the prospects of small business development in agricultural industrial complex and methods and ways of improvenet of efficiency appraisal were developed.

Practical value: the proposals and recommendations developed in the research can be applied in introducing modern management methods in development of small business in agricultural industrial complex, working out the measures regarding the effective management strategies and improvement of small enterprise, improvement of their legal organizational and economic mechanisms.

Degree of embed and economic effectivity: the results of the scientific proposals and practical recommendations of the dissertation are accepted for introducing into practice by the Ministry of Agriculture and Water resources of the Republic of Uzbekistan and department of economy of Kashkadarya region, as well as they can be used in higher educational institutions at teaching special courses of "Economy of agricultural industrial complex", "Economy of dekhkan farm entities", "Management", "Business and entrepreneurship", "Management of small business"

Sphere of usage: Ministry of Agriculture and Water resources of the Republic of Uzbekistan and higher educational institutions.